




Мўътабар Тожибоева ОИнинг Ўзбекистон раҳбари билан учрашиш режаларини қоралади

🕒 18 Январ 2011



Баҳам кўринг



Ўзбекистонлик таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Мўътабар Тожибоева Оврўпо Иттифоқига аъзо давлатлар етакчиларига мурожаат билан чиқиб, уларнинг Ўзбекистон президенти Ислон Каримов билан Брусселда учрашиш режаларини кескин қоралади.

"Ўтюроналар Клуби" инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти раҳбари Мўътабар Тожибоеванинг айтишича, Оврўпо Иттифоқи режалари "аслида Ўзбекистонда ҳукм сураётган диктатурани, давлат даражасидаги қатағонни кучайтиради".

Ўзбекистон президенти ташрифи "Оврўпо давлатлари билан бир қаторда Ўзбекистон учун, унинг жафокаш халқи учун фойдали бўлса, биз уни шубҳасиз олқишлаган бўлар эдик. Аммо, афсуски, бундай эмас," дейди Мўътабар Тожибоева.

У Оврўпо Иттифоқи раҳбарларини "Ўзбекистондаги демократия ва эркинлик сари бўлаётган ожиз интилишларни буткул яқсон этмасликка" чақиради.

Ҳуқуқбоннинг таъкидлашича, Оврўпо Иттифоқининг 2005 йилда Андижонда юз берган қонли ҳодисалардан кейин Ўзбекистонга нисбатан олган "қатъий" мавқесидан қайтиши натижасида Ўзбекистонда "ўнлаб мутлақо бегуноҳ инсонлар, муҳолифат фаоллари, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар қамоқларга тиқилди."

"Ўзбекистондаги демократия ва эркинлик сари бўлаётган ожиз интилишларни буткул яқсон этмасликка чақираман," дея Мўътабар Тожибоева мурожаатига яқун ясайди.

"Ўтюроналар Клуби" раҳбари Мўътабар Тожибоева Андижон ҳодисалари юзасидан халқаро текширувлар ўтказиш талабини илгари суриши ортидан 2005 йил октябрида ҳибсга олинганди.

Ўзбек ҳукумати Андижон қирғинидан сўнг жиноий айблар билан саккиз йилга маҳкум этилган Мўътабар Тожибоевани озод этиш борасида халқаро босимлар остида қолди.

Мўътабар Тожибоева 2008 йил 2 июнида шартли равишда қамоқдан озод этилди.

Ҳуқуқбон озодликка чиққач, Ўзбекистон қамоқхоналарини "қийноқлар ороли," деб атагани.

Би-би-си ҳозирда Франсада яшаб, фаолият кўрсатаётган ҳуқуқбон билан суҳбатлашди.

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



Асосий воқеалар



"Сиёсий тизим кенгаймаса Ўзбекистонда ижтимоий портлаш бўлади"



Азиза Узоқова: ёлғон хабари учун ЎзАни судга бермоқчимиз



Андижонда ҳижобли абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмаган



Зилзилашунос олим Рашод Иброҳимов вафот этди



Исломиий Ўйинлар: 'Мақсад - олтин'



"МХХни заифлаштиришнинг биринчи қадами ташланди"

Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**